МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА БОЛАЛАРНИНГ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Г.А. АҲМАДЖОНОВА

Аннотатция. Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг замонавий усуллари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: мактабгача таълим ташкилоти, педагогика, тарбиячи, болалар, ёшлар, дидактика, ихтирочилик масалалари, мультимедиа, рақамли технологиялар.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧИ ДЕТЕЙ В ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Аннотация. В данной статье рассматриваются современные методы развития речи детей в дошкольной образовательной организации.

Ключевые слова: дошкольная образовательная организация, педагогика, воспитатель, дети, молодежь, дидактика, вопросы изобретательства, мультимедиа, цифровые технологии.

MODERN METHODS OF DEVELOPING CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Annotation. This article examines modern methods for developing children's speech in a preschool educational organization.

Keywords: preschool educational organization, pedagogy, educator, children, youth, didactics, invention issues, multimedia, digital technologies.

Мактабгача ёшдаги болаларда нутқ ривожланиши боланинг шахсий ва ақлий ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конунида айтиб ўтилганидек: Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Ёш авлод шахсини шакллантириш вазифасини эса мактабгача таълимнинг самарали психологик-

педагогик методларини яратиб, амалиётга жорий этмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди [1].

Мактабгача таълим ташкилотларида болалар нутқини ривожлантиришнинг замонавий усуллари анъанавий ёдлатиш методларидан воз кечиб, боланинг эркин фикрлаши, ижодий ёндашуви ва коммуникатив кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Болалар нутқини ривожлантиришнинг замонавий усуллари педагогика, психология ва логопедия ютуқларига асосланган бўлиб, асосан интерфаол, ўйинли ва амалий ёндашувларни ўз ичига олади. Олимлар ёш болаларнинг нутқи ва тафаккурининг ривожланиши – қўл ва бармоқларининг нозик ҳаракатлари миқдори ҳамда шакли-ҳажми билан тўғридан-тўғри пропорционал эканлигини исботлаган [2]. Бугунги кунда таълим жараёнига тадбиқ этилаётган энг самарали ва замонавий методлар қуйидагилардан иборат:

1. Инновацион ва интерфаол ўйин технологиялари

Замонавий мактабгача таълим ташкилотларида МТТларда нутқ ўстириш асосан ўйин орқали таълим бериш тамойилига асосланади:

• Сюжетли-ролли ўйинлар: Болалар турли ҳаётий вазиятларни (шифокор, дўкондор, саёҳатчи, тадбиркор) саҳналаштирадилар. Бу мулоқот маданиятини ва диалогик нутқни тез ривожлантиради.

• Нутқий дидактик ўйинлар: “Сўз ўйини”, “Бу ниманинг овози?”, “Ким кўп сўз топади?” каби ўйинлар сўз бойлигини оширади ва товушлар талаффузини тўғирлайди.

• Интерактив суҳбатлар ва тематик мулоқотлар: Бола билан маълум мавзуда (масалан, табиат, ҳайвонот олами, касблар) олдиндан тайёрланган мавзули суҳбатлар ўтказиш.

2. ТРИЗ (Теория решения изобретательских задач - Ихтирочилик масалаларини ҳал қилиш назарияси) технологияси

Бу метод боланинг нафақат нутқини, балки мантиқий ва ижодий фикрлашини ҳам фаоллаштиради:

• “Яхши-ёмон” ўйини: Болалар бирор буюм ёки ҳодисанинг (масалан, ёмғир ёки қор ёғишининг) ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилиб, ўз фикрларини асослаб берадилар.

• Қарама-қаршиликлар занжири: Сифат ва хусусиятларни солиштириш орқали боланинг нутқий тафаккури кенгаяди.

3. Мултимедиа ва рақамли технологиялар

Замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш болаларнинг диққатини тортиш ва нутқини фаоллаштиришда муҳим аҳамиятга эга:

• Интерфаол тақдимотлар ва электрон эртаклар: Болалар экрандаги воқеаларни кўриб, уларни ўз сўзлари билан тасвирлаб берадилар.

• Аудиоэртаклар тинглаш: Бу усул болаларда фонематик эшитиш ((ёки фонематик идрок) - инсоннинг нутқ товушларини (фонемаларни) бир-биридан фарқлаш ва сўзнинг товуш таркибини аниқлаш) қобилиятини ва диққатни ривожлантиради.

4. Мнемотехника (Хотирани ривожлантириш ва нутқ ўстириш варақлари)

• Мнеможадваллар: Шеър ёки эртакларни матн кўринишида эмас, балки рамзий расмлар (схемалар) ёрдамида ёдлаш усули. Бола расмларга қараб матнни осонгина тушуниб, мустақил равишда ҳикоя қилиб беради.

5. Танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантирувчи методлар

• Блум мойчечаги (Ромашка Блума): Болаларга оддий, аниқлаштирувчи, ижодий ва баҳоловчи саволлар бериш орқали уларни баҳс-мунозарага тортиш.

• “Синкуэйн” (Беш қаторли шеър) методи: Болалар бирор сўзга (масалан, “Олма”) нисбатан 2 та сифат, 3 та феъл ва 1 та гап тузиб, охирида битта хулоса сўз айтадилар. Бу сўз бойлиги ва грамматик қурилишни мустаҳкамлайди.

6. Арт-терапия ва театрлаштирилган фаолият

• Қўғирчоқ театри ва соя театри: Болалар қўғирчоқларни гапиртириш жараёнида ўзларини эркин ҳис қиладилар, нутқий комплекслар ва дудуқланишдан халос бўладилар.

• Қум терапияси: Қум билан ишлаш жараёнида майда моторика ривожланади, бу эса бош миядаги нутқ марказининг тўғри ишлашига тўғридан-тўғри таълим беради.

Хулоса қилиб айтганда, умуман, болалар нутқини ривожлантириш масаласи кенг қамровли ва кўп омилли педагогик муаммо сифатида илмий жамоатчиликнинг эътиборини доимо жалб қилиб келмокда. Биз ота-оналар ва мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари учун мактаб ёшигача бўлган болаларнинг нутқини ривожлантиришда махсус дастурлар асосида тизимли равишда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Боланинг тўғри ва эркин мулоқот қила олиши унинг ижтимоийлашувига, тафаккурининг ривожланишига, таълимга тайёргарлигига ва атроф-муҳит билан муваффақиятли муносабат ўрната олишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, болалар нутқини ривожланишини ўз вақтида ва тўғри баҳолаш – педагогик фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни // (мурожаат қилинган сана: 19.10.2026 йил).

2. https://daryo.uz/uz/2022/01/16/qanday-oyinlar-bolaning-nutqi-rivojlanishiga-yordam-beradi // (мурожаат қилинган сана: 19.10.2026 йил).